


Абу Бакр Муҳаммад ибн Туғж



17:00 / 02.05.2021 1631

Миср мулкининг эгаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Туғж ибн Жуф ибн Хоқон Фарғоний Туркий.

Амакилари Бадрдан ҳадис ривоят қилганлар.

321 йилда Мисрга волий бўлганлар. Сўнг халифа Розий томонидан Дамашқ ҳам Мисрга қўшиб берилган.

«Ихшийз» турк тилида «подшолар подшоси» деган маънони билдиради.

Боболари 247 йилда вафот қилганлар.

Оталари Туғж Хуморавайхнинг катта қўмондонларидан бўлганлар. Бағдодга борганларида ҳамма бу кишини улуғлаган. Сўнг бу киши томонидан вазир ҳақида кибр ва ўринсиз сўзлар айтилгани учун Туғж ва ўғиллари қамаладилар. Оталари қамоқда ўладилар. Кейинроқ Абу Бакр Муҳаммад озод қилинади. Бу киши мулкдор бўлгунларича кўп қийинчиликларни бошдан ўтказганлар.

Муҳаммад Ихшийз ботир, пахлавон, шижоатли, сезгир, салобатли, жангларда саодатли, аскарларига ҳурматли, шу билан бирга, қаттиққўл бўлганлар. Камонларини ҳеч ким торта олмаган.

Эгаллаган вилоятлари саккиз мингта бўлган. Айтишларича, аскарларининг сони тўрт юз минг отлиқ бўлган экан. Бунга ақл бовар қилмайди. Бир неча

фарзандлари бўлиб, у кишидан кейин мол-мулкка эгалик қилишган.

334 йил зулҳижжа ойида 66 ёшда Дамашқда вафот этганлар. Сўнг Дамашқдан Байтул Мақдисга келтирилиб, дафн қилинганлар. Аллоҳ у кишини афв этсин.

Ибн Роиқ у кишига қарши урушганда, Ихшийз уни мағлуб этганлар. Ихшийзнинг укалари сафардаликларида, Ибн Роиқ у кишини учратиб, ўлдирган. Ибн Роиқ бу ишидан пушаймон бўлиб, ўзининг ўғли Музоҳинни Ихшийзга укасининг хуни учун юборган. Ихшийз уни афв этиб, банддан бўшатиб, отасига қайтарганлар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан